

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 26-may, payshanba

№ 19 (9183)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

НАВОЙ ВИЛОЯТИ

ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХОТЛАР ЖУРНАЛИСТЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Навой вилояти бўлими томонидан вилоятдаги давлат бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган пресс-турда ҳам журналистлар соҳада амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишди. Дастлаб ОАВ вакиллари Навбахор туманидаги “Тоир қизи Ҳабиба” номли фермер хўжалигида бўлишди ҳамда мазкур хўжалик далаларида сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини кўздан кечиришди. Шундан сўнг ушбу субъектда Мелиоратив экспедиция бошқармаси мутахассисларнинг тупроқ намуналарини ўрганиш жараёнлари ҳам кузатилди.

Тадбир доирасида Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасида матбуот анжумани ҳам ташкил этилди. Унда бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари Дадаҳон Ражабов тизимда амалга оширилаётган давлат дастурлари ва бошқа муҳим ҳужжатлар ижроси бўйича ахборот берди. Таъкидланганидек, ирригация ва мелиорация объектилари тармоқларини ривожлантириш, вилоятда ерларнинг мелиоратив ҳолати ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида, марказлаштирилган капитал маблағлар

ҳисобидан амалга оширилаётган 4 та ирригация объекти лойиҳалари доирасида бугунги кунга қадар жами 16,827 млрд. сўм маблағ (йиллик лимитга нисбатан 101 фоиз) сарфланган. Жорий йил давомида 85 дона “ақлли сув”, 100 дона насос станцияларида сув сарфини “онлайн” назорат қилиш қурилмаларининг қурилиш ишлари бошланган. Бундан ташқари, сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш бўйича талабгор фермерлар кесимида прогноз кўрсаткичлар ишлаб чиқилиб, унга кўра 16 минг 403 гектар

ерда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш режалаштирилган ҳамда йил бошидан ҳозиргача 12 минг 421 гектар пахта майдонларида томчилатиб сугориш технологиясини ўрнатиш бўйича шартномалар тузилган.

Жорий йилда 7 ярим минг гектарга яқин ер майдонларини қайта фойдаланишга қиритиш топшириғига мувофиқ жорий йилнинг 1 май санасига қадар фойдаланишдан чиққан ерларни қайта фойдаланишга қиритиш ва янги ерларни ўзлаштириш мақсадида Навбахор туманида 5 дона, Нурота

туманида 1 дона тик сугориш қудуқлари қурилиб, ишга туширилди. Шунинг ҳисобига ва бошқа агротехник тадбирларни амалга ошириш натижасида 566 гектар майдон қайта фойдаланишга қиритилди. Шунингдек, матбуот анжумани давомида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамда бошқарма ўртасида меморандум имзоланиб, жорий йил якунига қадар амалга ошириладиган қўшма лойиҳалар белгилаб олинди.

Оттабек АСЛОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



ИСЛОХОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИ ЯРАТИЛАДИ

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси – мамлакатимизнинг келажаги билан бевоусита боғлиқ энг муҳим ҳужжат

Стратегияда белгиланган вазифалар қандай ба- жарилмоқда? Яъни, ислохотлар қандай давом эт- моқда? Бу борадаги натижалар қандай аниқланади? ЎЗА мухбирининг шу каби саволларига адиля вазирининг ўринбосари Худойёр МЕЛИЕВ қўйидагича жавоб берди.

– Ислохотлар самарадорлиги баҳоланиб борилиши учун зарур механизмларни яратиш зарур. Зеро, Тараққиёт стратегиясида Президентимиз томонидан халқи- мизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида илгари сурилган аниқ ғоялар, ташаббуслар ва тақлифларни ўз вақтида, сифатли, самарали ҳамда натижадорлик билан амалга ошириш давлат барча органлари ва вазирликларига улкан масъулият ва жавобгарлик ҳиссини юклайди.

Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш натижасида белгиланган мақсадларга эришилгани ва йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш учун доимий мониторинг олиб бориш ва комплекс баҳолаш механизмини яратиш зарур.

Таъкидлаш жоиз, ҳозирги вақтда ислохотларнинг алоҳида йўналишлари самарадорлиги ва натижадор- лигини баҳолашга қаратилган самарали механизмлар амалиётга жорий қилинган.

Мисол учун, “Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизими” жорий қилин- ган. Ушбу рейтинг саккиз йўналиш асосида аниқланади. Улар орасида аҳоли ва бизнес учун зарур шарт-шарой- лар яратилгани, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг барқарорлиги ҳамда ишончлилиги таъминлангани, янги иш ўринлари яратилгани, ишсизликни камайтириш ва меҳнат бозори самарадорлигини таъминланганлик ҳолатини келтириш мумкин.

Адиля вазирлиги томонидан ҳам алоҳида стратегик аҳамиятга эга йўналишлардаги ислохотларни баҳолаш жараёнининг ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди.

Жумладан, Адиля вазирлиги ташаббуси билан ҳу- дудларда ҳуқуқ устуворлигининг таъминланганлик ҳо- латини рейтинг асосида баҳоловчи “Худудларнинг ҳуқуқ устуворлиги индекси” жорий қилинди.

Худудларда тадбиркорликнинг ривожланганлик да- ражасига баҳо бериш тизими ҳам жорий этилган. Бунда, “Business Indicator” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали худудларда ишбилармонлик муҳитига салбий таъсир этувчи омиллар аниқланади. Шунингдек, бизнес вакилларига яратилаётган шароит ва қулайликларнинг амалий натижаси баҳоланади.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг “Очиқлик индекси”ни аниқлаш бўйича тақлифлар Ҳу- қуматга киритилган. Бунда, давлат органлари ва таш- килотлари фаолияти очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича услубий ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар уларни комплекс нуқтаи на- зардан баҳолашнинг ягона механизмини ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Жумладан, ислохотлар боришини мониторинг қилиш бўйича ягона тартиб жорий қилинмаган. Айрим соҳалар бўйича мавжуд электрон тизимлар эса тарқоқ ҳолда. Уларни ягона платформага жамлаш зарурати мавжуд.

Бу Тараққиёт стратегияси доирасида амалга оши- рилаётган ислохотларни баҳолашда яхлит тизимни шакллантиришга ҳамда ислохотлар натижаларининг миқдорий ва сифат жиҳатидан қиёсий таҳлилини олиб боришга имконият яратади.

Бу эса, ўз навбатида, Тараққиёт стратегияси доира- сида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни баҳолаш, уларнинг натижалари юзасидан статистик ва бошқа турдаги маълумотларни бир нуқтада тўплаш, мониторинг ҳамда таҳлил қилиш ва умумлаштириш учун ягона электрон платформани шакллантиришга замин яратади.

Шу сабабли Адиля вазирлиги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази билан бирга ислохотларнинг амалга оширилишини баҳолаш ва мониторинг қилиш тизимини яратиш мақсадида илғор хорижий тажрибани ўрганди.

Натижада дастлабки тақлифлар ишлаб чиқилди. Унга кўра, Тараққиёт стратегиясида белгилаб ўтилган устувор 7 йўналиш доирасида олиб борилаётган ислохотларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш, уларнинг нати- жаларини тўплаш, таҳлил қилиш ва комплекс баҳолаш ҳамда йиллар ва соҳалар кесимида умумлаштириш каби имкониятларга эга ахборот тизимини жорий этиш назарда тутилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)



ФАРҒОНАЛИКЛАРНИНГ ЎРГАНСА АРСИЙДИГАН ИБРАТЛИ ИШЛАРИ КЎП

бунга вилоятга ташир буюрган кўплаб раҳбарлар яна бир бор амин бўлишди

Жорий йилнинг 12-13 май кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев Фарғона вилоятига ташир буюриб, вилоятда амалга оширилаётган ибратли ишларни кўриб, ижобий баҳо бериб кетгандан кейин Фарғона тажрибаси бошқа худудларда ҳам акс-садо берди. 21 май кунги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ҳокимлари, Республика вазирлик ва идоралари раҳбарлари мамлакатимиз раҳбарининг кўрсатмасига биноан Фарғона вилоятига келиб, амалга оширилган янги лойиҳалар билан танишдилар.



ХОРАЗМДА КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Яқинда Хонқа туманида вилоят миқёсида кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда Бош вазирнинг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Шухрат Ғаниев, Сув хўжалиги вазири Шавкат Хамраев, Хоразм вилояти ҳокими Фарҳод Эрманов вилоятнинг барча туман ҳокимлари, Чапқирғоқ Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси, унинг ҳузуридаги бўлим ва ташкилотлар, кластер ва фермер хўжалиги раҳбарлари иштирок этди.

Кўргазмали семинар Хонқа тумани Мадир худудининг “Қодир Умнат” фермер хўжалиги пахта даласи мисолида ўтказилиб, ерга ер қўшиш орқали дала майдон- ларидан фойдаланиш, яъни дала чекка- ларида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари экиб ундан унумли фойдаланиш, ички сугориш тармоқлари ва очик коллектор-зовурларни кластерларга давлат-хусусий шериклик асосида ўтказиш, сув хўжалигининг мах- сус хизматлари фаолиятини кучайтириш борасида сўз юритилди.



Бош вазир ўринбосари Ш.Ғаниев дала маданияти юқори даражада бўлиши деҳқончиликнинг ривожланишидаги ўта муҳим омил эканлигини таъкидлаб ўтди. Жумладан, дала чеккалари, очик турган майдонларининг ҳар бир қарич ерига озиқ- овқат экинлари экилса у ҳам катта даромад манбаи яратишини айтиб ўтди.

– Дарҳақиқат, бугунги кунда фермер- лар учун имкониятлар янада кенгаймоқда. Кўриб турганингиздек 10 гектар пахта даламининг теварак атрофига помидор,

бодринг, ошқовоқ, қалампир ва канал бўй- ларига турли хил кўчатлар экдим. Сувдан ва ердан самарали фойдаланса, албатта қўшимча даромад беради, – дейди “Қодир Умнат” фермер хўжалиги раҳбари Зафар Жуманиязов.

Семинар сўнггида ушбу ишларни 5 кун муддатда вилоят бўйлаб тадбиқ этиш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Чапқирғоқ Амударё ИТХБ матбуот хизмати

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗИНИ-ЎЗИ ЧАНГЛАТАДИГАН ГИЛОС НАВЛАРИ ЕТИШТИРИЛЯПТИ

Юқори Чирчиқ туманига қарашли “Замин фаровон” фермер хўжалиги раҳбари, миришкор деҳқон Рустам Маҳмудовнинг боғи туман марказига олиб борувчи катта йўлнинг шундоққина четиди жойлашган.



Боғ катта йўлга яқин бўлгани боис, у ердаги шохлари эгилиб турган гилос даракларига назари тушмаган йўловчи бўлмаса керак.

Гапнинг индаллосини айтсак, кўпича катта-катта мевали боғларнинг ёнидан ўтсангиз чайла ёнига баҳайбат итни боғлаб қўйганига гувоҳ бўласиз. Бундай боғларнинг кўчасидан ёш болалар тугул, катталар ҳам ўтгани кўрқшади. Рустам аканинг боғига кириб, мевалардан тўйгу- нингизча еб кетишингиз мумкин. Фақат, шохларини синдирмасангиз бас. Бу гап- лар боғда меҳмон бўлган одамларнинг фикрлари. Биз ҳам миришкор деҳқоннинг гилос боғи тарифини эшитиб, у билан суҳбатта ошиқдик.

– Одамлар боғимдаги гилосларимдан қанча кўп тановул қилса, шунча ҳосил кўпаяверади, – дейди Рустам ака биз билан суҳбатда. – Бу дунёда биздан фақат яхшилиқ қолади. Менга одамларнинг “отасига раҳмат шу деҳқоннинг”, деган сўзлари етади.

(Давоми 2-саҳифада)

Хайр мактаб, салом нурли келажак

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

“СЎНГГИ КЎНҒИРОҚ” дан КАТТА ҲАЁТ САҲНАСИГА

Сўнги кўнғироқ... Қизиқ, нега ҳамма бу кунни интиқлик билан кутади? Аслида, битирувчилар севимли масканларидан ажралгиси келмайди-ку. Баъзи битирувчилар ўн бир йил ўқиган жонажон мактабидан ажралаётганидан хурсанд бўлмаса-да, қалбларида қандайдир ҳис-ҳаёжони жўш уради. Буни у яқинларидан яширолмайди. Бирга ўқиган синфдошларидан ажралаётгани эса янада оғир туюлади. Мактаб тугади, энди катта ҳаётга қадам қўйиш керак, бу эса ҳар бир ёш йигит-қизга катта масъулият юклаши турган гап. Кеча Риштон туманидаги 34-ўрта умумтаълим мактабидида ҳам “Сўнги кўнғироқ” тадбирига эрта тонгдан битирувчи йигит-қизлар, ўқитувчилар, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маъмурий органлар вакиллари, фуқаролар йиғини оқсоқоли ва бошқалар йиғилдилар.



нади. Бу ёшлар бизнинг, барча ўқитувчиларнинг, ота-оналарининг ниятларини амалга оширадидилар. Бунга ишонамиз. Шундан сўнг мактаб ҳовлиси узра битирувчилар бир неча марта айланиб, ўзлари ўқиган илм даргоҳига таъзим қилишди ва рамзий маънода хайрлашди. Мактаб ўқитувчилари, ота-оналар дилбандларини ўрта мактабни битираётганликлари билан табриқладилар ва уларга гулдасталар бериб, оқ йўл тиладилар. Ҳар йил битирувчилари тартиб-интизомига масъул бўлган туман прокуратураси ва туман ички ишлар бўлими вакиллари сўзга чиқиб, қонунбузилишларга йўл қўймаслик ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шу ўринда биз ҳам ижодий-маданий ишлар тарғиботчиси сифатида ҳар доим китоб ўқишни одат қилишга, юртимиздан чиққан буюк бобоқалонларимиз меросини ўрганишга ва ўшалардай илмга ташна бўлиб, халол ишлашга қаҳридик. Мана бир йилнинг ўзиде мактабда турли бадий китобларни мутолаа қилиш сезиларли ўсгани ижобий ҳодисадир. Бадий ижодкорликка қизиққан ёшлар ҳам кўпайиб, турли жанрларда ижод қилишни машқ қилаётгани ҳам бор ҳақиқат.

– Битирувчи синфга раҳбарлик қилиб, шуни билдимки, – дейди синф раҳбари Шохид Тожибоева. – Ҳар бир ўқувчи эртага мен ким бўламан, деган ҳаёл билан яшади. Мактабдан чиқиб, ўқув курсларига қатнаш, фанларни ўзлаштириш, бир то-

мондан мактаб ўқитувчисининг, иккинчи томондан репетиторнинг талабларига мувофиқ ўқиш ва ўзлаштириш осон бўлмади. Бироқ умуман ўқишга унча ҳуши бўлмай юрганлар ҳам йўқ эмас эди. Улар билан алоҳида ишлашимизга тўғри келди. Ва биргаликда қилган ҳаракатларимиз зое кетмади. Хунарманд бўламан, қурувчи бўламан, деган битирувчиларимиз ҳам ота-оналарининг панд-насихатларини олиб, бизни хурсанд қилди. “Азиз битирувчи, сен дунёнинг улкан сахнаси остонасида турган актёрга ўхшайсан. Қани ўз ролингни қандай ўйнарсан, сенга энди атрофдагиларинг томошабин сифатида қараб туради. Омад ёр бўлсин! Сен барча орзуларингга эришишинг йўлида тинмай курашавер, сенга бугунги тадбирда айтилган эзгу тилаклар ҳамроҳ бўлсин...”

Ичмидан ўтган бу тилаклар охирига етмасдан сафда туриб, катта ҳаётга қандай қадам ташлашни ўйлаётган баъзи битирувчиларнинг кўзи намланганини илғадим. Бу пирпираб турган кичирликлар орасидан сизиб чиқаётган ширин кўз ёшлари эканига шубҳа қилмасам ҳам бўлар эди. Кўзингдан ачиқ кўз ёшлари чиқишидан Худо асрасин, азиз битирувчи!

Ҳамид БУРҶОН,
Риштон туманидаги 34-ўрта умумтаълим мактабининг ижодий-маданий ишлар тарғиботчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗИНИ-ЎЗИ ЧАНГЛАТАДИГАН ГИЛОС НАВЛАРИ ЕТИШТИРИЛЯПТИ

(Боши 1-саҳифада)

– Деҳқончиликнинг ўзига яраша машаққатлари бор, бу боғлар осонликча бунёд этилмагандир?

– Нимасини айтасиз, бу гилослар кўчатини 7 йил олдин Польшадан олиб келганмиз. 12 гектар ерга гилоснинг 4 хил навини экканмиз. Ўша пайтларда биз гилосни экиб, ёнига чанглатувчи навини ҳам биргаликда экканмиз. Ҳозир олимларнинг ташаббуслари билан Ўзбекистонда ўзини-ўзи чанглатадиган гилос навлари етиштирилипти. Бу деҳқонлар учун жудаям қулай.

– Деҳқончиликнинг энг мураккаб жиҳати нимада?

– Гилосларнинг энг катта душмани, қушлар. Ҳосилга маза кирган заҳотиёқ қушлар ёпирилиб келишни бошлайди. Гилосларни совуқдан ҳам кўра қушлардан сақлаш қийинроқ. Дарахт шоҳига қўниб олиб, мевасини чўқилаб, яроқсиз ҳолатга келтириб қўйишади. Аммо биз гилосларни қушлардан асраш чорасини ҳам топганмиз. Боғимизнинг айлана атрофига тут экилган. Гилосларга ранг киришни бошлаганида тутлар фарқ пишади. Қушлар гилосни унутиб, тутлар билан овора бўлиб қолишади. Гилос боғи яратишни ўйлаб юрган боғбонлар боғ атрофига тут дарахтларини ҳам экишса, бу жуда яхши наф беради.

– Гилосни жуда кам сув ичади, дейишади. Бу борадаги тажрибаларингизни ҳам ўртоқлашсангиз?

– Тўғри, гилос жуда кам сув талаб қиладиган мевалар турига кириди. Ёзининг чилласида 2-3 марта суғорамиз, қишда ёҳоб берамиз, пишишига яқин 3-4 марта сув берамиз, шу етаци.

– Бу йилги ҳосил қандай бўлди?

– 4 нафар доимий ишчиларим бор, улар парваришни вақтида қилгани учун ҳосилимиз ёмон эмас. Аммо ёмғир кўп ёқгани сабабли баъзи навларимиз майдароқ ҳосил берди. Йирикларига эса харидорлар жуда кўп.

– Бозорларимизда гилоснинг нархи бошқа меваларга қараганда қимматлигининг сабаби нимада?

– Гилос қимматлигининг сабаби уни етиштиришдан кўра, мевасини териш қийинроқ. Ҳосилни йиғиш жараёни кўп меҳнати орқали амалга оширилади. Мисол учун, олмани дарахтдан узиб, яшикка отсангиз ҳам ҳеч нарса қилмайди. Гилосни битталаб териб, идишларга авайлаб солмасангиз сифати бузилади. Ҳозир боғда иш қизгин. Гилосларни тердириш учун мавсумий ишчилар ёрдамидан фойдаланяпти, уларга ҳам меҳнатига яраша ҳақ тўлаяпти.

Нигора Раҳмонова,
ЎЗА мухбири.

ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕХНАЗИМИ ЯРАТИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Мазкур дастурий таъминот вазирилик ва идоралар томонидан юриштирилган кўрсаткичларнинг индикатор кўрсаткичларини ўзида жамлашни назарда тутати:

– “Rating” ахборот тизими, ушбу тизим орқали статистик кўрсаткичлар ва сўрономалар натижалари асосида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши баҳоланади;

– “E-Anticor.uz” ахборот тизими орқали эса коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги баҳоланади;

– “BaHo.gov.uz” ахборот тизими орқали давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолияти самарадорлиги баҳоланади;

– “Ўзбекистон халқаро рейтингларда” ягона портали орқали эса мамлакатимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги айрим халқаро рейтинглари жамланади.

Айтиб ўтиш жоизки, мазкур жараёнга мамлакатимизда фаолият юритаётган ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот марказлари, мустақил экспертларни жалб этиш ре-

таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайитириш каби индикаторлар асосида туманларда йўл ҳаракатини самарали ташкил этиш ҳолати баҳоланади;

– “E-Anticor.uz” ахборот тизими орқали эса коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги баҳоланади;

– “BaHo.gov.uz” ахборот тизими орқали давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолияти самарадорлиги баҳоланади;

– “Ўзбекистон халқаро рейтингларда” ягона портали орқали эса мамлакатимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги айрим халқаро рейтинглари жамланади.

Айтиб ўтиш жоизки, мазкур жараёнга мамлакатимизда фаолият юритаётган ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот марказлари, мустақил экспертларни жалб этиш ре-

жашлаштирилмоқда.

Шунингдек, ислохотлар жараёни ва яқиний натижадорлиги билан доимий равишда жамоатчиликни хабардор қилиб борилади. Бу жараёнда жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали ислохотлар ижросига муайян ҳудудда ёки соҳада натижадорлиги юзасидан баҳо бериш билан бирга, зарур бўлган ҳолларда уларни тўғрилаш, тузатиш имкони ҳам бўлади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, мақсад мамлакатимиз ривожининг фундаментал асоси бўлган Янги Ўзбекистон тарақиёт стратегиясида қўйилган мақсадлар ва вазифалар ижросини сўзсиз таъминлашга эришишидир.

Бу эса “Инсон кадри учун” устувор тамойили асосида жамиятимиз ҳаётидаги ижтимоий, иқтисодий муносабатларни тубдан яхшилашга хизмат қилади.

ЎЗА мухбири
Норгул АБДУРАИМОВА
ёзиб олди.

(Боши 1-саҳифада)

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ва Вазирлар Кенгазининг раислари, вилоятлар ҳокимлари, уларнинг инвестициялар ва ташқи савдо ҳамда қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, вазирлар, уларнинг ўринбосарлари, республика ташкилот ва идоралари, тижорат банклари раҳбарлари Бош вазирнинг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Шуҳрат Ғаниев билан бирга Олтиариқ туманидаги янги узумзорларни ўз кўзлари билан кўрдилар. Меҳмонлар қисқа вақт ичида минг гектар атрофдаги қир-адир ерларини экишга тайёрлаб, узум кўчатлари экиб, кўкартириб олинганликларидан хайратларини яширмадилар. Ахир, хайратланмай ҳам бўладими, узокни қўя туриб, ўтган йили бирон киши мана шу ҳудудда, баландликда жойлашган қир-адир ерларда узумзорлар барпо қилинади, деса ишонармиди!? “Э, қўйсангиз-чи, бу чангиб ётган тепаликларда узум туғул, гиёҳ ҳам ўсмайди”, дейиши аниқ эди. Ҳаёлдаги фикрни реал ҳақиқатга айлантирадиган кишилар бор экан. Бунинг ўзига хос сабаби жасоратда экан. Жасоратли кишилар тумандан тортиб, республика даражасигача бор экан. Туман чеккасидаги 1000 гектар адирликда тоқор ва боғлар ташкил этишга ва уларни томчилатиб суғориш технологияси асосида суғоришга бел боғлашди. Амалга ошириладиган иш аввало кўнгилда бошланиши маълум, улар ҳам аввало буни дилдан ҳис қилиб, тузган лойиҳаларини бажаришга иштиёқ ва матонат билан киришгани ҳамма хайратга солади. Самара кутилганидан ҳам ҳаёли бўлди. Бу ерга ташриф буюрган мамлакатимиз раҳбари улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, унинг ташкилотчиларига беихтиёр раҳматлар айтганини бутун республика кўрди ва биргаликда қувонди.



ФАРҒОНАЛИКЛАРНИНГ ЎРГАНСА АРСИЙДИГАН ИБРАТЛИ ИШЛАРИ КЎП

бунга вилоятга ташриф буюрган кўнлаб раҳбарлар яна бир бор амин бўлишди

лар ўрнида барпо этилган мажмуани атрофлича айланиб кўрар экан, фарғоналик деҳқонлар ва кластер раҳбарлари билан суҳбатлашиб, тегишли маслаҳатлар берганди. Орадан бир ҳафта ўтгач, қатор раҳбарлар ва бошқа меҳмонлар вилоятда мева-сабзавотчилик ва гулчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳалар тақдироти жабҳаларини ўрганишди. Олтиариқ тумани Кўрғонча маҳалла лисидаги узумчилик ва боғдорчилик плантацияси ҳудуди минг гектар бўлиб, уни барпо этишга Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамда боғдорчилик ва иссиқхона ҳўжалигини ривожлантириш агентлиги ташаббус билан чиқди. Лойиҳа қиймати 113 миллиард сўм бўлиб, шундан, тижорат банклари кредити 90 миллиард сўм, маҳаллий бюджет маблағи 12 миллиард сўм, Жаҳон банки гранд маблағи 1 милли-

он АҚШ доллари эди. Ўзлаштирилган ер майдонларининг 560 гектарида узум кўчатлари ва 300 гектарида интенсив боғлар яратилиб, уларда томчилатиб суғориш тизими жорий этилди. Бунинг учун 14 донна тик қудук, 5 донна мембрана ҳовуз қурилиб, сувга бўлган талабни қондира олиши ҳисоби чиқарилган эди. Тоқзорларда 5 турдаги узум навлари ҳамда интенсив боғларда олпа, гилос, ўрик кўчатлари парвариш қилиб келинди.

Узумчилик ва мевачилик плантацияси ҳудудида 1500 тонна сигимли музлаткичи омбор, 2 та маиший хизмат шахобчалари барпо этилади. Шу билан бирга 6 та мини трактор, 10 та юк машинаси сотиб олиниши кўзда тутиляптир. Худуднинг кўлга киритадиган натижаси ҳам кишини хайратлантирмай қўймайди. Биринчидан, етиштириладиган маҳсулот-

ларнинг 51,5 фоизи экспорт қилинади, иккинчидан, 37 фоиз маҳсулот ички бозорда сотилади ҳамда 11,5 фоизи қайта ишланади. Учунчидан, 3 минг 145 та ишчи ўрни яратилади. Иш ўринларининг 90 фоизига ишсиз ёшлар, эхтиёжманд оилалар, четдан қайтган мигрантлар жойлаштирилади. Узумнинг 1 гектаридан ўртача 20 тонна, 560 гектаридан 11200 тонна ҳосил етиштирилади. Бу 56 миллиард сўмга тенг демакдир. Боғларнинг 1 гектаридан ўртача 12 тонна, 300 гектаридан 3600 тонна маҳсулот етиштирилади, 100 гектар қатор ораларига тарвуз экилиб, 1,2 миллиард сўм даромад олиниши ҳисоб-китоб қилинган.

Шу кун Сув ҳўжалиги вазири Шавкат Ҳамроев Олтиариқда бўлган йиғилишда томчилатиб суғориш технологияси ишлаб чиқаришини маҳаллийлаштириш бўйича ўз фир-

мулоҳазаларини айтиб ўтди. Очиги, Олтиариқ қирликлари ва адирликларида сув тежовчи технологияларни қуриш тўхтагани йўқ. Айни дамда бунёд этилган бундай муъжизақор тоқор ва боғзорларни бир кўриб келай, деган турли касб эгалари сони тобора ортаёттир. Аммо кўз тегмасин, деган андиша билан баъзан бу ҳудудга киритиш ҳам чегаралангани бор ҳақиқат. Уни асраш ҳам керак, ахир бу Фарғона диёрига тумор тақилгандай ярашиб турибди ва бежирим, кўркам бўлиб, кундан-кунга гўзалликка бурканмоқда. Бу ерга келган киши айтганларимиз ҳақиқат эканига ишонч ҳосил қилади.

Қувасойдаги бунёдкорлик ишлари ҳам Олтиариқдагидан кам эмас

Қувасой шаҳри саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жиҳатидан мамлакатда етакчи ўринларда турса ҳам боғдорчилик, сабзавотчилик ва чорвачиликка иштисослашгани билан алоҳида ажралиб туради. Шаҳарда 600 дан ортиқ боғдорчилик, сабзавотчилик ва чорвачиликка иштисослашган фермер ҳўжаликлари мавжуд. Шаҳар меҳнат ахли қўшни Қирғизистон билан чегадеш бўлиб, узок йиллардан бери аҳил ва иноқ яшаб, ишлаб келаяптилар. Шаҳарда ҳали ўзлаштирилмаган қақроқ дашт ерлар, мавзелар мавжуд бўлгани учун мана энди уларни ўзлаштиришга, фойдаланишдан чиқиб кетганини қайта фойдаланишга киритиб, боғлар ва экинзорлар барпо этишга киришилгани кишини қувонтиради. Бу ерда амалга ошириладиган ишлар анча вақтдан бери тилдан тушмай келаётгани ҳам бежиз эмас. Республиканинг турли ҳудудларидан келган меҳмонлар Олтиариқ таассуротлари босилмай туриб, орадан бир кун ўтгач Қувасой шаҳрига қарашли Валик массивида амалга ошириладиган ишларни, тўпланган тажрибаларни ўрганиш учун қадам ранжида қилдилар. Массивни ўзлаштириб, 1500 гектар ерда хусусий қорхона ташкил қилган “Uz segang” юридик субъектига борган

меҳмонлар жами 1500 гектар ердаги боғнинг 600 гектарига экилган дарахт кўчатлари томчилатиб суғориш технологияси орқали суғорилаётганига эътиборни қаратдилар. Уғит ҳам томчилатиб берилаётган сув билан бирга илдизга етказилмоқда. Шунинг учун исрофгарчилик бўлмаёттир ва ниҳоллар барқ уриб ўсаёттир. Қишлоқ ҳўжалиги вазири Жамшид Ҳўжаев экинлар парвариши хусусида қисқача тўхталиб ўтди. Ниҳоллар томчилатиб суғориш технологияси асосида ҳар қандай шароитда бир моромда суғорилиб, ўғитланаётгани улар ривожини жадаллаштирмоқда.

Хусусий қорхона мутахассислари томчилатиб суғориш технологияси қурилиши ҳали давом эттирилишини билдирди. Бунинг учун сув ҳавзаси битказилган, сув тежовчи технологиялар эҳтиёт қисмлари келтирилган. Сув ҳўжалиги вазири Шавкат Ҳамроев таъкидлаганидек, бу технология ишлаб чиқариши қанча маҳаллийлаштирилса шунчалик муҳим аҳамиятга эга бўлади. Маҳаллийлаштириш қанча тез ўзлаштирилса, зарур қисмлар ишлаб чиқариш кўпаяди ва таннархи шунча арзонлашади.

– Қувасойдаги бу лойиҳаларнинг истиқболи ёрқин, – дейди фахрий ирригатор, Сирдарё-Сух ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бўлим бошлиғи Фозилжон Расулов. – Беш-олти йил ўтгач шу ернинг ўзида етиштирилган мевалар хорижа экспорт қилинади ва ундан ҳар йили 4 миллион АҚШ доллари ҳажмида даромад олинади. Валик массиви мевазорларга тўлгач, бу чегара бўлмай қолади. Кўрдингизми, ерларимиз қандай саховатли, унга меҳр бериш керак, холос.

Қувасой сафари ҳам меҳмонлар учун катта тажриба мактаби бўлди. Улар ўз худудларидан бундай тажрибани жорий этишни мақсад қилиб кетдилар.

Ҳамиджон БУРҶОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Ўтказилаётган профилактик тадбирлар қандай натижа бермоқда?

ЎТГАН 4 ОЙ ДАВОМИДА 1717 ТА ҚОНУНБУЗИЛИШИ ҲОЛАТЛАРИ

АНИҚЛАНДИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вази... Мақкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Самарқанд вилояти бошқармаси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, бошқармамиз ва унинг туман бўлимлари томонидан жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида жами 3149 та назорат тадбири ўтказилиб, 1717 та қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди.

Қонунбузилиши ҳолатларини жойида бартараф қилиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида 1432 нафар юридик ва жисмоний шахслар ҳамда тадбиркорлик субъектларига оғоҳнома-лар берилди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан 746 та ёзма кўрсатма, 96 та қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонида кўра, жорий йилнинг январидан назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларида қонунбузилишларга йўл қўйилишининг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар ўтказиш шартлиги белгилаб қўйилди. Шу мақсадда инспекциянинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва туманлар бўлимлари томонидан жорий йилнинг ўтган 4 ойи давомида 2 минг 602 мартаба профилактик тадбирлар ўтказилиб, унда кластер корхоналари ва фермер хўжалиқларининг 7 минг 59 нафар ходимининг иштироки таъминланди. Вилоятдаги мавжуд 380 минг 204 гектар сугориладиган майдонларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун 192 та ирригация тармоқлари, 11 та сув омборлари, 3800 км. мелиорация тармоқлари, 98 та насос станциялари ва 387 та сугориш қудуқлари орқали сув билан таъминланади. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш юзасидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши инспекция назоратига юклатилган. Шу мақсадда, инспекциянинг вилоят бошқармаси ва туманлар бўлимлари томонидан 517 та назорат тадбири ўтказилиб, 307 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Улар юзасидан ҳуқуқий профилактик тадбирлар ўтказилиб, қонунчилик бузилишига сабаб бўлган омиллар, уни

бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда ҳамда 204 та ҳолатда қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларига қонунчилик бузилишининг олдини олишга қаратилган оғоҳлантиришлар берилди.

Қишлоқ хўжалиги экинларини сугоришда сувдан мақсадли ва тежамли фойдаланиш, сув исроф бўлишининг эрта олдини олиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли вакиллари иштирокида 468 марта профилактик тадбирлар ўтказилган бўлиб, тадбирларда 2184 нафар ходим қамрам олинди. Профилактик тадбирлар давомида 280 нафар жисмоний ва юридик шахсларга оғоҳлантиришлар берилди. Бошқарма ва унинг туманлар бўлимлари томонидан 31 минг 408 дона қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг электрон базаси шакллантирилди. Жорий йилнинг ўтган 4 ойи давомида 3 минг 202 та техник паспорт, 527 та техник гувоҳнома, 1320 та тракторчи – машинист гувоҳномалари берилди.

Соҳага замонавий технологиялар жорий этиш, шафқофликни таъминлаш юзасидан тракторчи-машинист гувоҳномаларини беришнинг электрон тартиби жорий қилинди. Тракторчи-машинист касбини эгалламоқчи бўлган йигит-қизлардан назарий имтиҳонлар онлайн тартибиде амалга оширилмоқда. Бу жараён инсон омилисиз бажарилади.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида бирламчи ҳужжатлари бўлмасдан фойдаланиб келинаётган 1 минг 631 та ўзи юрар техника ва тиркамаларнинг бирламчи ҳужжатлари шакллантирилиб, техник паспортлар берилди. Шунингдек, 150 дона техник гувоҳнома янги амунада, пластик кўринишдагисига алмаштирилди.

Бошоқли дон экинлари, ғўза парва-

риши ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари парвариши бўйича агротехник тадбирларнинг бажарилиши юзасидан 596 та назорат тадбири ўтказилган бўлиб, 283 та ҳолатда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Шунингдек, ҳисобот даврида 313 та ҳолатда ҳуқуқбузарлик ҳолатларини бартараф этишга қаратилган профилактик тадбирлар ўтказилди.

Жорий йил ғалла ўрими-йиғими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида “Самарқанддонмаҳсулотлари”, “Жомбойдонмаҳсулотлари”, “Оқтошдон” ва “Жума элеватори” акциядорлик жамиятлари ҳамда ғаллачилик кластерлари ва уларга қарашли филиал, дон қабул қилиш шахобчаларининг моддий-техника базаси ва лабораториялари жиҳозларининг тайёргарлиги юзасидан мониторинг тадбирлари ўтказилди. Жорий мавсумда дон қабул қилиш шахобчаларига жами 259,9 минг тонна дон, 235,5 минг тонна товар дон ва 29,4 минг тонна уруғлик дон контрактация шартномаси асосида қабул қилиш ишлари юзасидан инспекция ваколоти доирасида мониторинг тадбирлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Наслчилик тўғрисида”ги Қонуни ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси юзасидан жорий йилнинг январь-апрель ойларида мавжуд 1 минг 674 та хўжалик юритувчи субъектларда 426 та назорат тадбири ўтказилди. Шундан 204 таси профилактик тадбирлар бўлиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини ўз вақтида бартараф этиш тўғрисида 175 та бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар берилган.

Даврон АЧИЛОВ, “Узагроинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи.

муассаса бошланғич касаб уюшмаси раиси Манзура Букановаларнинг муносиб хиссалари бор. Тозалик куни ва умумхалқ ҳашарлари қизгин тус олдирилиб, эрта баҳорда ҳар бир тарбиячи ва ишчи-техник ходим “Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига муносиб тўхфа бўлсин!” шиори остида ҳовли ва йўлақларга дарахт кўчатлари ўтказишга эди. Ҳозирда ниҳоллар бараваж ривожланиб, кўкка буй чўзмокда.

Бахтли болалик масканида 160 нафар кичкинтойнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, баркамол бўлиб вояга етишида 17 нафар малакали педагог ва тарбиячиларнинг ҳар бири изланишда эканлигининг шохиди бўлмасиз. Тарбиячилардан Шаҳноза Дувланова ва Жамолддин Ғаниевлар вилоятда бўлиб ўтган турли тилловларда фахрли ўринларни олганлиги учун Жиззах давлат олийгоҳига имтиёзли йўлланма олишти. Биз болаларнинг ақлий ва ижодий мустақил фикрлашга ўргатиш ҳамда мактаб таълимига тайёрлашни асосий мақсад қилганмиз. Меҳнатимизнинг самарасини тарбияланувчиларга келажакда кўрсак, ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз.

Умида ИШПУЛАТОВА, Ғаллаорол туманидаги 5-МТМ тарбиячиси, “Шухрат” медали соҳибаси.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

БАХТЛИ БОЛАЛИК МАСКАНИ

Болалик – беғуборлик даври. Мурғак қалблар чексиз шодлик ва севинч билан лиммо-лим, ҳаёт ташвиши ва қийинчиликларидан тамоман бегонадир. Ғаллаорол туманидаги “Учқунча” номли 5-мактабгача таълим муассаси тарбияланувчилари даврасида бўлсангиз бунинг гувоҳи бўласиз.

Айниқса, тарбиячи Гулчехра Худойкулова раҳбарлик қилаётган “Юлдузча” гуруҳида соғлом ва яхши муҳит яратилган. Тарбиячининг ўзи ясаган “Севимли ўйинчоқлар” коллекцияси болаларнинг фикрларини жамлаб, равои тилда гапиришга ҳаракат қилишлари, қўл ва бармоқларини ҳаракатга келтиришга интилишларида қўл келмоқда. Жумладан, “Тўяқуш”, “Тулки ва турна”, “Қувнок одамлар” каби кўплаб ҳаракатли ўйинлар кичкинтойларнинг сўз бойлигини оширишга ундайди. Махсус жиҳозланган майдончада мириқиб ўйнаётган, қўшиқ куйлаётган, шеър айтётган кичкинтойларни кўриб кимнинг ҳам завқи келмайди, дейсиз. Болажонларнинг дам олишлари, овқат-

фойдаланиб, машгулотларнинг қизиқарли ва таъсирчанлигини таъминламоқда. У йигирма беш йилдан бери кичкинтойлар тарбияси учун тажриба ва маҳоратини янмаётганига боис ҳурмат-эътибори баланд. Гуруҳдаги Асила Бозорова, Достонбек Убайдуллаев, Шоҳжаҳон Абдурахмонов, Мафтуна Ирисбоева каби тарбияланувчилар ҳар томонлама фаол, топшириқларни сидқидилдан бажаришмоқда.

Гуруҳда мусика, бадиий гимнастика, инглиз тили ва шахмат-шашка тўғралаклар кўнгилдагидек фаолият юритяпти. Биргина 2021-2022 ўқув йилида вилоятда ўтказилган шахмат-шашка мусобақасида тарбияланувчиларга иккинчи ўрин насиб этди. Бадиий гимнастика ва миллий курашда эса улар вилоятда фахрли ўринларни эгаллашди. Болажонларни соғлом ва маънавий етук қилиб тарбиялашда Гулчехра опанинг ҳамкасабаларидан услубчи Минигуль Тожибоева, Вилоят Қурбонова ва

Эълонлар

“SITORA SARMOYA” МЧЖнинг баланс ҳисоботи 2021 йил “31” декабрь ҳолатига молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи

Table with 4 columns: Код, Таъриф, Кўрсаткичлар, Минг сўм. Rows include assets like cash, deposits, and liabilities like loans and equity.

“RELIABLE-CREDIT” МЧЖнинг баланс ҳисоботи 2021 йил “31” декабрь ҳолатига молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи

Table with 4 columns: Код, Таъриф, Кўрсаткичлар, Минг сўм. Rows include assets like loans and liabilities like deposits and equity.

Молиявий ҳисоботнинг ишончилиги “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган, аудиторлик текширувларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 04.01.19 йилдаги 00747-сонли (аввал 18.02.08 йилдаги №00202 лицензияга эга бўлган) лицензияси берилган. Ломбард молиявий ҳисоботининг 2021 йил 31 декабр ҳолатига

ишончилиги ҳақида маълумот мустақил аудиторлик ташкилотининг ҳисоботида келтирилган. “...Молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатларда Ломбарднинг 2021 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ахборотини ишончи ас эттирди, фойдали натижалари Ўзбекистон Республикасининг бугхалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беради”.

“ALBATROS-KREDIT” МЧЖнинг баланс ҳисоботи 2021 йил “31” декабрь ҳолатига молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи

Table with 4 columns: Код, Таъриф, Кўрсаткичлар, Минг сўм. Rows include assets like loans and liabilities like deposits and equity.

Молиявий ҳисоботнинг ишончилиги “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган, аудиторлик текширувларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 04.01.19 йилдаги 00747-сонли (аввал 18.02.08 йилдаги №00202 лицензияга эга бўлган) лицензияси берилган. Ломбард молиявий ҳисоботининг 2021 йил 31 декабр ҳолатига

ишончилиги ҳақида маълумот мустақил аудиторлик ташкилотининг ҳисоботида келтирилган. “...Молиявий ҳисобот барча муҳим жиҳатларда Ломбарднинг 2021 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ахборотини ишончи ас эттирди, фойдали натижалари Ўзбекистон Республикасининг бугхалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беради”.

“ALBATROS-KREDIT” МЧЖнинг баланс ҳисоботи 2021 йил “31” декабрь ҳолатига молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи

Table with 4 columns: Код, Таъриф, Кўрсаткичлар, Минг сўм. Rows include assets like loans and liabilities like deposits and equity.

“ALBATROS-KREDIT” МЧЖнинг баланс ҳисоботи 2021 йил “31” декабрь ҳолатига молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи

Table with 4 columns: Код, Таъриф, Кўрсаткичлар, Минг сўм. Rows include assets like loans and liabilities like deposits and equity.

Инсон хотираси муқаддас, азиз,
Меҳр бўлиб кўзга сингиб кетади.

ЯХШИЛИКШУНОС РАҲБАР, МОҲИР ДЕҲҚОН, МЕҲРИБОН УСТОЗ

Бу гулшан ичра йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.
Алишер НАВОИЙ

Ўз вақтида республикаимизда таниқли қишлоқ хўжалик дарғаларидан бўлган, Меҳнат қаҳрамони Раҳматилла Қамбаров ҳаёт бўлганида жорий йил май ойида 90 ёшга тўлар эди. Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев Р.Қамбаровни эслаб шундай ёзган эди: "Ҳаётда қадрини топган, катта мартабага эришган одамлар ҳақида сўз кетганда кўз ўнгимизда диёнатли инсон, катта қалб эгаси, деҳқон раҳбар Раҳматилла Қамбаровнинг сиймоси ҳам гавдаланади. Унинг ҳаёт йўли ёш замондошларимиз учун ўзига хос ибрат мактабидир.

*Қогозлар сарғаяр, овозлар ўчар,
Шамоллар учирар босган изларни.
Куюнлар айланар, ердоблар кўчар,
Аммо йўқотолмас асло сўзларни.*

*Бу олам, аслида, сирли бир тилсим,
Сиру синоати Эгамга аён.
Айниқса, тириклар яхшилаб билсин,
Танерининг бандаси – ҳар битта инсон.*

*Яхшига ярашмас надомат, афсус,
Умр шундай сўниб, бир кун битади.
Инсон хотираси муқаддас, азиз,
Меҳр бўлиб кўзга сингиб кетади."*

Раҳматилла Қамбаровдан ўз вақтида кўп-кўп интервьюлар олинган, у ҳақда кўп-кўп мақолалар, очерклар ёзилган, вафотидан кейин эса таниқли журналист Ю.Бердиев томонидан китоб ҳам чоп этилган.

Мен у кишини таниганимда, Раҳматилла ака Оржоникидзе (ҳозир Қибрай тумани) туманидаги "Партия XXI съезди" хўжалигида маккажўхоричи ёшлар бригадасининг бошлиғи, Аъзамжон ака Абдувалиев биринчи котиб бўлган туман ёшлар кўмитаси бюро

аъзоси эди. Унинг номи тез-тез радио, телевидение, газеталарда илғор ва ташаббускор деҳқон сифатида тилга олинган турар эди. Бригадир бўлиб ишлар экан, машхур қишлоқ хўжалик дарғалари Қирғизбой ота Абдувалиев, Абдурахим Шерматов, Раҳим Дадахўжаев, Гофур Одилловлардан кўп-кўп қишлоқ хўжалик сир-асрорларини ўрганиб, тинимсиз ўз устида иш олиб борди. Натияжада маккажўхори, сабзи, бошқа экинлардан юқори ҳосил олиб, катта ютуқларга эришди. Кейинчалик "Партия XXI съезди" хўжалиги Калинин (ҳозирги Зангиота туманига) туманига ўтиб кетди. Вақти келиб ушбу хўжалик иккига бўлиниб, "Партия XXI съезди" ва "Қорасув" номлари билан фаолият кўрсатди. Р.Қамбаров бир муддат "Қорасув" хўжалигида ишчи кўмитаси раиси, "Партия XXI съезди" хўжалигида партия кўмитаси котиби бўлиб ишлади. Бу лавозимларда ҳам ўзини иш кўзини биладиган кадр сифатида намоён этган Раҳматилла ака 1967 йилда "Партия XXI съезди" хўжалигига директор этиб тайинланди. Тез орада хўжалик Р.Қамбаров раҳбарлигида Тошкент шаҳри аҳолисини сабзавот,



Суратда: Шароф Рашидов М.М. Мусаханов (чапдан учинчи) ва Р.Қамбаров (чапдан иккинчи) билан Калинин (ҳозир Зангиота тумани) тумани фаоллари билан суҳбатлашмоқда (1980 й.)

картошка, мева ва резавор, узум етиштириб, таъминлашда, чорвачиликни ривожлантириб, давлатга гўшт, сут етказиб беришда улкан натажаларга эришиб, йирик рентабелли хўжаликка айланди. Хўжалик вилоят ва республикадаги илғор хўжаликлар қаторига қўшилиб, унинг бошлиғи республика раҳбарияти, хусусан, ўша пайтдаги Ўзбекистон раҳбари, атоқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидов, Тошкент вилояти раҳбари Мирзамаҳмуд Мирзараҳмонович назарига тушди. Оқибатда илғор хўжалик раҳбари бўлган Раҳматилла Қамбаров 1973 йилда Калинин

туманига раҳбар этиб сайланди. Унинг Ботир Тошхўжаев, Ҳамидулла Аҳмедов, Аъзамжон Абдувалиев, Рустам Акбаров, Клара Қамбарова, Тожихон Мелибоева, Мирза Аҳмедов, Гуломмаҳмуд Абдуллаев, Қўчқор Умаров, Сиддиқжон Муҳаммаджонов, Солиҳ Каримов, Абдурахим Шерматов, Холмат Қорахўжаев, Қобил Абдуллаев, Алишер Ғаппаров, Ғиёс Дўсканаев, Омонулла Сафоев, Абдуфаттоҳ Абулқосимов, Турғун Бегматов, Жалил Ҳайдаров, Мухтор Умаров, Раҳмат Ҳамидов ва бошқа сафдошларидан иборат аҳил жамоаси 13 йил давомида Раҳматилла ака атрофида

жипслашиб, фидоийларча ишлаш намунасини кўрсатдилар. Менга ҳам бир муддат Р.Қамбаров кўл осларида тарғибот-ташвиқот ишлари билан шуғулланиб, ишлаш, у кишининг кўп-кўп ўғитларини олиш насиб этди.

Раҳматилла ака оилавий пудрат усулини республикада сабзавотчилликка биринчи бўлиб жорий қилган туман раҳбари эди. Сабзавотчилликка механизацияни жорий этишда ҳам туман хўжаликлари бошқаларга намуна бўлди. Р.Қамбаров раҳбарлигида туман янги-янги кўп-кўп ютуқларга эришди, мева-сабзавот етиштиришда Ўзбекистонда бир машъал бўлиб, Тошкент шаҳри аҳолисини йил давомида ўз маҳсулотлари билан таъминлаб турди. 1980 йилда Назарбек қишлоғида зилзила рўй берганда, туман меҳнаткашлари катта матонат кўрсатишди. Шунда Назарбекка Ўзбекистон раҳбари Шароф Рашидов ташриф буюриши барча меҳнаткашлар кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди.

Вақти келиб, яхшиликшунос, талабчан раҳбар, моҳир деҳқон, меҳрибон устоз Раҳматилла Қамбаров Меҳнат қаҳрамони унвонига эга бўлди.

Р.Қамбаров раҳбарлигида қурилган турар жойлар, мактаблар, боғчалар, шифохоналар, бошқа маданий-маиший объектлар, кўп-кўп иншоотлар ҳали ҳам халқимизга хизмат қилиб келмоқда. Унинг юзлаб шогирдлари турли соҳаларда фидоийларча ишлаб, ватанпарварлик намуналарини кўрсатишмоқда. Бугун Раҳматилла акани эслар эканмиз, у кишини Аллоҳ ўз раҳматиغا олсин, деймиш.

Носир ТОЙРОВ,
Ўзбекистон Журналистлари
ижодий уюшмаси аъзоси.

- ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БУЛАМАН

– дейди Наманган шаҳридаги 1-мактабнинг 8 "г" синф ўқувчиси Расулжон Олимов.

Расулжон Наманган шаҳридаги Дамбоғ маҳалласида истикомат қилувчи Зоҳиджон ва Зулайхоҳонларнинг ёлғиз фарзанди. Улар дипломанти дунёга келганида чексиз қувончу шодликлар шуқуҳи ила севинган бўлса, чақалоқнинг бир кўлидаги кичик нуқсонини кўриб узоқ вақт куюнган эди...

Ушундай кунларнинг бирида спорт телеканалда дунё миқёсида параолимпиададан ғолиб бўлиб қайтган спортчилар, уларнинг матонатли кураши, ватанга медал шодаларини тўқфа этган ўғлонлар ҳақида махсус репортаж берилганди. Бу лавҳа шундоқ ҳам кўнглига чироқ ёқса ёришмаётган ота-онанинг дилидаги умид учкунларини пайдо қилди. Шу-шу онаси Зулайхо Расулжонни бўш вақтида дарс қилдиришга, дадаси спорт машқлари билан шуғуллантиришга катта аҳамият қаратди. Қисқа фурсат ичида уларнинг дипломанти Наманган шаҳридаги 1-мактабга ўқишга борди ва аълочилар сафидан ўрин олди. Дарсдан сўнг мактаб қошида фаолият олиб бораётган таниқли мураббий Муҳаммадҷон Турғунов бошчилигидаги "Taekwon-do w!" тўғарагига аъзо бўлди. – Расулжон Олимов иродали, ўз устида тинимсиз ишлайдиган, иқтидорли шогирдларимдан бири. Утган йил-



лар давомида вилоят, мамлакат, Ўрта Осиё ва Европа мамлакатлари ёшлари ўртасида ўтказилган мусобақаларда ўз вази буйича жанг олиб бориб, юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Унинг истеъдоди Республика параолимпиада кўмитаси катта мураббийи Бобур Кўзиев томонидан ҳам эътироф қилиниб, терма жамоа номзодлигига кўрсатилди, – дейди фахр билан устози М. Турғунов.

– Яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг болалар спортини

ривожлантириш мавзусига бағишланган видеоселектор йиғилишида биз, ёшларга катта умид, ишонч билдирганликларини тинглаб, қалбимда катта довлонларга чорловчи янги шижоат, куч-ғайратни ҳис этдим. Келгусида фақат аъло баҳоларга ўқиш билан бир қаторда, ўз устимда ишлаб, жаҳон параолимпия мусобақалари чемпиони бўлишни дилимга тугдим, – дейди Расулжон Олимов.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ: ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚАНДАЙ КЕТМОҚДА?

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани 172-умумий ўрта таълим мактабда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасида келаси йил ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига оид қарорининг бажарилиши юзасидан ўқув семинари ташкил этилди. Семинарни мазкур мактаб директори З.Зиямуҳамедова очиб бериб, йиғилганларга ушбу тадбирнинг мақсади ҳақида тўхталиб ўтди.

Яққасарой тумани статистика бўлими вакиллари иштирокчиларга ушбу тадбирга тайёргарлик ишларининг бориши, кўча номлари, хонадон тартиб рақамларини шакллантириш, кадастр агентлиги билан ҳаморликда маҳалла фуқаролар йиғинининг картографик схемалари-

ни янгилаш, қўшимчалар киритиш ҳақида маълумотлар берди.

Маълумки, мазкур жараён уч босқичда амалга оширилади. Биринчиси, тайёргарлик босқичи бўлиб, уч йилга яқин вақт давом этади. Иккинчиси, асосий босқич бўлиб, бунда бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва аҳолини рўйхатга олиш материаллари топширилади. Бу тахминан икки ой муддатни ташкил этади. Сўнгги босқич қарийб уч йил давом этиб, олинган маълумотлар кодлаштириш ёрдамида таҳлил қилиниб, натижалар эълон қилинади.

Бобур МЕЙЛИЕВ,

Яққасарой тумани статистика бўлими бошлиғи.

Эълон

Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти томонидан 1995 йилда Раджабов Баходир Хасанович номига берилган 036468 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекс таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:

Жамшид ХЎЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шўҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадҷон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ҲАЙТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Бюрогма Г-547. 1740 нускада чоп этилди.

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.
Факс – (0-371) 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Реклама



MAXAM – CHIRCHIQ

СУВДА ЭРИЙДИГАН
АЗОТЛИ-ФОСФОРЛИ-КАЛИЙЛИ ВА
МИКРОЭЛЕМЕНТЛИ КОМПЛЕКС
МИНЕРАЛ ЎФИТИ – NPK



МАҲСУЛОТ МАРКАСИ
NPK 18:7:14+2Mg
NPK 18:18:18+3Mg
NPK 11:5:22+6Mg
NPK 18:6:19

Манзил: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Тошкент кўчаси 2-уй.
Тел.: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08. Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.
info@maxam-chirchiq.uz www.maxam-chirchiq.uz

Маҳсулот сертификатланган

Эълон

"Amir Tea Samarqand" маъсулияти чекланган жамияти иштирокчиларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг 2022 йил 29 апрель кунидagi баённомасига асосан, жамият устав фонди миқдори камайирилганини, жамият устав фонди миқдори 6 500 000 000 (olti миллиард беш юз миллион) сўмга тенг эканлигини маълум қилади. Ариза ва тақлифлар куйидаги манзил буйича қабул қилинади: Самарқанд вилояти Самарқанд тумани Қўштамғали маҳалласи.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.00